
СЎХДА 1000 ГЕКТАР ЕРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА СУВ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ БОШЛАНМОҚДА. 1000 ТА ОИЛАГА 1 ГЕКТАРДАН ЕР, 10 СОТИХДАН ИССИҚХОНА-ЛИМОНАРИЙ, 10 ҚУТИДАН АСАЛАРИ БЕРИЛАДИ

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари билан кеча Сўх туманининг Жавпая массивида бўлди.

Президентимизнинг фойдаланилмаётган ерларда ирригация ишларини бажариш ва сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш, кам сув талаб қиладиган экинлар экиш ҳисобига ўзлаштириш, бу ерларни ёшларга бўлиб бериш орқали уларни иш билан, даромад билан таъминлаш борасида топшириқларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят раҳбарининг ташаббуси билан яқинда бу ерда 1000 гектар ерни ўзлаштириш ишлари бошланди. Режага кўра, ўзлаштирилаётган ерлар атрофдаги 4 та қишлоқда яшовчи 1000 та оиллага 1 гектардан бўлиб берилади, ҳар бир оила учун 10 сотихли иссиқхона-лимонарий ташкил этилади.

Хайрулло Бозоров бу ерда маҳаллий аҳоли вакиллари билан мулоқот қилди. Мутахассислар томонидан қудуқ бурғулаб, сув чиқариш ишлари бошланаётганини, 6 километрдан тармоқ тортиб, электр нимстанция ўрнатилишини маълум қилган вилоят ҳоқими, иссиқхона-лимонарийлар учун чуқур кавлаш, унумдор тупроқ келтириш ишлари бажариб берилишини, кўчат олишга кўмак берилишини қайд этди. Шунингдек, ҳар бир оиллага 10 қутидан асалари тарқатилиб, қўшимча даромад манбаи шакллантириладиган бўлди.

Вилоят ҳоқими, намуна сифатида барпо этилган иссиқхона-лимонарийларни кўздан кечирди, уларни арзонроқ барпо этиш бўйича ўз фикрларини билдирди ҳамда лимон кўчатлари ўтқазди.

Бериладиган 1 гектарлик ер майдонларида пистазор, кавракзорлар ташкил этилади, ораларида турли экинлар экилади. Сув чиқарилгач, ҳовузлар барпо этилиб, барча майдонларда томчилаб суғориш тизими йўлга қўйилади.

Бугундан бошлаб массивни ўзлаштириш бўйича вилоят ҳокимлигининг махсус штаби доимий равишда шу жойнинг ўзида фаолият кўрсатадиган бўлди. Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси, кадастр ҳудудий бошқармаси, “Фарғона ҲЭТК”, туман секторлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан иборат штаб ҳудуд ўзлаштирилиб, иссиқхоналар барпо этиш, сув чиқариш, ерларга экинлар ва кўчатлар экиш ишлари якунлангунга қадар аҳолига ҳар томонлама кўмак бериб бориши белгиланди.

Вилоят ҳоқими билан суҳбатлашган маҳаллий ёшлар, бўлаётган ишлардан, тақдим этилаётган ер эгасига айланиб даромад топиш имкониятидан мамнуниятларини изҳор қилиб, мигрант бўлиб хорижда ишлашдан кўра ўз уйларида яшаб, ҳалол меҳнат билан пул топиш учун яратиб берилаётган шароитлар учун Давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирдилар.